

EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

ILM SARCHASHMALARI

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI**



2017-5

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

Ilm sarchashmalari

Jurnal OAK Rayosatining 2013-yil 30-dekabrdagi 201/3-son qarori bilan fan doktori ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan 10.00.00. – filologiya fanlari bo'yicha ilmiy maqolalar e'lon qilinishi lozim bo'lgan respublika ilmiy jurnallari ro'yxatiga kiritilgan.

5.2017

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2017

Баходир Ядгаров, Динора Ядгарова (УрДУ)
**ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШДА ҚИСҚА
 МАСОФАЛАРГА ЮГУРУВЧИЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ
 ҲИСОБГА ОЛИШ**

Аннотация. Мақолада энгил атлетикачи югурувчиларнинг йиллик циклдаги тайёргарлигини режалаштириш ва ташкил этиш масалалари ёритилган.

Аннотация. В данной статье освещается планирование и организация подготовки легкоатлетов в годовичном цикле.

Annotation. This article deals with the role and features of moral education to the sportsmen and their patience in the physical training team.

Калим сўзлар: машгулот юкламалари, қисқа спринт, узоқ спринт, жисмоний тайёргарликнинг ўсиши, жисмоний ривожланиш, соматотип, дерматоглифика.

Ключевые слова: тренировочные нагрузки, короткий спринт, длинный спринт, прирост физической подготовленности, физическое развитие, соматотип, дерматоглифика.

Key words: training loadings, short sprint, long sprint, gain physical preparation, physical development, somatotype, dermothoglyfic.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунларида, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да барча фанлар қатори жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини оширишга муҳим эътибор қаратилган. Бугунги кунда таракқиёт йўлидан илдам қадамлар билан бораётган мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, унга илгор педагогик ва замонавий ахборот технология жорий этиш муҳим аҳамиятга эга экан, ёшларимизни жисмоний жиҳатдан чиниктиришда улар организмнинг биологик хусусиятларини эътиборга олиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.¹

Шу боисдан жисмоний тарбия тизимида муҳим тамойилни жорий қилиш учун ўқувчиларнинг соғлигини таъминлаш, жисмоний ривожланганлик ва жисмоний тайёргарликни такомиллаштириш доимо долзарб муаммолардан бўлиб келган.

Илмий-методик адабиётлар юзасидан ўтказилган таҳлил, ватанимиз ҳамда хорижий мутахассисларнинг амалий тажрибаси шуни кўрсатадики, энгил атлетикачиларни тайёрлаш тизими унинг ҳамма босқичларида мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда энгил атлетикачи югурувчиларнинг йиллик циклдаги тайёргарлигини режалаштириш ва ташкил этиш масалаларига багишланган кўплаб илмий тадқиқот ишлари бажарилган ва уларда қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларнинг йиллик циклдаги тайёргарлигини режалаштиришга оид айрим масалалар кўриб чиқилган.² Бирок қисқа масофаларга югуришга ихтисослашаётган югурувчиларнинг машгулот юкламаларини режалаштириш спорт машгулотлари тизимида энг мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Машгулотларни тузиш, шунингдек, махсуслаштирилган воситаларнинг ҳажмлари ва нисбатлари масалалари ҳозирги кунгача баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ҳар бир спортчининг индивидуал хусусиятларига мувофиқ тарзда юклама ҳажми ва шиддати-

¹ Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги” қонуни (2000 йил 26 май янги таҳрири бўйича қабул қилинган).

² Мирзаев М.О. Тактика бега на короткой дистанции: анализ, проблемы, перспективы современный взгляд на подготовку легкоатлетов. Монография, М., 2006, с. 52–64.

нинг оптимал катталикларини аниқлаштириш, катта машгулот циклининг алоҳида босқичларидаги машгулот юктамалари тузилиши ва динамикаси хусусиятларини деталлаштириш зарур.¹ Ҳар хил масофаларда ихтисослашувчи энгил атлетикачиларни тайёрлаш самарадорлиги машгулот жараёнини индивидуаллаштириш орқали оширилиши мумкин. Юқори натижаларга эришиш учун машгулотларни режалаштиришда спортчиларнинг биологик хусусиятларини эътиборга олиш, жумладан, ошиб бораётган юктамаларнинг спортчилар организмнинг мослашиш имкониятларига мос келишини таъминлаш жуда муҳим.

Ушбу муаммони ўрганиш учун қисқа спринтда (100 м), узоқ спринтда (400 м) ихтисослашувчи спортчилар, шунингдек, турли хил спринтерлик масофаларида ихтисослашувчи спринтерлардан ташкил топган назорат гуруҳи спортчилари иштирокида Урганч Давлат университетининг жисмоний маданият факультетида педагогик тажриба ўтказилди. Жами текширилувчилар сони – 32 киши, спорт билан шугулланиш стажи – 3 йилдан 5 йилгача ва II–I разрядга эга бўлганлар. Тажриба гуруҳларини танлаб олиш 2016 йил Фаргона шаҳрида ўтказилган “Универсиада” мусобақаларида қатнашган югурувчи энгил атлетикачилар томонидан кўрсатилган натижалар асосида амалга оширилди. Биринчи тажриба гуруҳини 100 м масофада яхши натижа кўрсатган, юқори даражада тезкорлик сифатларини намоён қилган спринтерлар ташкил қилди. Иккинчи тажриба гуруҳини 400 м масофада яхши натижа кўрсатган ва ҳам тезкорлик сифатларини, ҳам чидамлилиқ сифатларини намоён қила олган спортчилар ташкил этди. Назорат гуруҳи бир вақтнинг ўзида ҳам қисқа масофада (100 м), ҳам узоқ масофада спринтда қатнашган спортчилардан иборат бўлди. Жисмоний сифатларни тестлашда биз қисқа масофаларга югуришда ихтисослашувчи ўгил бола спринтерларнинг (12 ёшдан 18 ёшгача) асосий масофадаги натижаси билан назорат машқларининг ўзаро боғлиқлик корреляцион матрицасидан фойдаландик. Ушбу матрица О.И.Павлова (2003) томонидан ишлаб чиқилган. Тестлаш учун ҳар хил масофаларга мўлжалланган ахборотли назорат машқлари танлаб олинди.

1-жадвал

Назорат машқларининг 12–18 ёшдаги ўгил бола спринтерларнинг асосий масофадаги натижалари билан ўзаро боғлиқлиги корреляцион матрицаси (О.И.Павлованинг корреляцион матрицаси бўйича, 2003)

Назорат машқлари	Ёши						
	12	13	14	15	16	17	18
Стартдан туриб 30 м га югуриш	0.249	0.367	0.341	0.686*	0.849*	0.759*	0.902*
Турган жойидан 30 м га югуриш	0.785*	0.681*	0.696*	0.775*	0.711*	0.857*	0.883*
Стартдан 60 м.га югуриш	0.395	0.421	0.697*	0.745*	0.867*	0.784*	0.858*
600 м га югуриш	0.251	0.274	0.385	0.467	0.688*	0.431	0.690*
Теппинг тест	0.705*	0.698*	0.609	0.557	0.678*	0.776*	0.692*
Югуриб келиб узунликка сакраш	0.548	0.612	0.738*	0.781*	0.806*	0.854*	0.823*
Уч хатлаб сакраш	0.385	0.308	0.351	0.496	0.729*	0.716*	0.814*
Жойидан туриб юқорига сакраш	0.618*	0.689*	0.745*	0.729*	0.857*	0.896*	0.820*

Эслатма: * – кўрсаткичлар ишончлилиги.

Ундан ташқари, биз қуйидаги тестлар ёрдамида махсус тайёргарлик динамикасини

³ Янсен.П. Основы управления подготовкой юных спортсменов. М., 2002, с. 62–64.

назорат қилдик: тезкорлик имкониятлари турган жойидан 30 м га ва 100 м га югуриш тести бўйича баҳоланди, шунингдек, биз қуйидаги қўшимча тестларни танлаб олдик: тезкорлик чидамлилиги 150 м га югуриш тести бўйича баҳоланди, махсус чидамлилик эса 250 м ва 400 м масофани босиб ўтиш вақти бўйича текширилди. Юқоридаги (1-жадвал) бўйича спринтерларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш тестлар ўтказилди.

Тажриба гуруҳларининг барча қатнашчилари босқичли текширувлардан ўтказилди. Ундан ташқари, 100 м ва 400 м га югуришда ихтисосликка мувофиқ турли йўналишдаги машгулот юкламаларининг йиллик цикл босқичлари бўйича таъсири, шунингдек, махсус иш қобилияти кўрсаткичлари динамикасини текшириш ўрганилди.

Қисқа масофаларга югурувчиларнинг тайёргарлик даврларини ташкил қилиш индивидуал жиҳатдан турли-туман бўлишига қарамасдан, кўп ҳолларда, йиллик циклда қуйидаги тайёргарлик турларини ажратиш мумкин: ўтиш, кузги-қишки тайёргарлик, баҳорги тайёргарлик, ёзги мусобақа даврлари. Бундай тайёргарлик циклининг умумий давомийлиги 48–50 ҳафтани ташкил қилади. Ундан ташқари, йиллик циклда 8 та босқични ажратиш мақсадга мувофиқ кўринади. Ҳар бир босқичнинг давомийлиги – 4–6 ҳафта. Машгулот циклининг бундай даврланиши ўқув йилига мос келади. Спортчилар II – I разрядга эга спринтерларнинг ўқув йили учун ўқув режа-жадвали, қисқа ва узоқ масофага спринт вакиллари учун ишлаб чиқилган ишчи режа берилган. Ишда юкламаларнинг физиологик йўналишини аниқлашда Н.И.Волков, А.В.Карасев, Е.А.Разумовский 2006 ишларида таърифланган тамойиллардан ҳамда миқдорий мезонлардан фойдаланилди. Биз ўзининг физиологик йўналишига кўра, қуйидаги юклама турларини ажратиб олдик: аэроб, аралаш анаэроб-аэроб, анаэроб-гликолитик, анаэроб-алактат. Бундай методик ёндашув югурувчилар юкламаларини 5 та физиологик шиддат зоналарига тақсимлаш имконини беради: 1-тиклантирувчи, 2-ривожлантирувчи, 3-“экстенсив”, 4-субмаксимал, 5-максимал зоналар.

1-тиклантирувчи зона. Асосий вазифаси – спортчи организми органлари ва тизимларининг тикланиш жараёнларини тезлаштириш ва уни олдинда турган ишга тайёрлаш. Бу зонанинг асосий физиологик параметрлари: юрак қисқариш частотаси минутига 125–130 зарбагача, югуриш тезлиги – 4 м/сек.

Асосий воситалар: чигалёзди югуриш, дам олиш танаффусларида югуриш, масофа бўлаклари ўртасида секин югуриш, умумий жисмоний ривожланиш ва тонусни ошириш учун гимнастика машқларини бажариш (сентябрь ойининг иккинчи ярми), яъни тиклантириш хусусиятига эга юкламалар.

2-ривожлантирувчи зона. Иш машқланганликни ривожлантиришга ва тикланишга, мушаклар ва танани ҳар томонлама ривожлантиришга ҳамда мушаклар кучини оширишга, шунингдек, таянч-ҳаракат аппаратини тайёрлашга қаратилган.

Бу зонада жуда катта ҳажмда югуриш бажарилади, юрак қисқариш частотаси – минутига 150–155 зарбагача.

Асосий воситалар: узлуксиз, раван югуриш, турли хил бўлақларда ўзгарувчан югуриш. Машгулотнинг асосий йўналиши – чидамликнинг ошишини таъминловчи организмнинг асосий физиологик тизимларини ривожлантириш. Гимнастика машқлари, турли хил сакрашлар, штанга, гиря, гантеллар билан машқлар.

Адабий манбаларидаги маълумотларга мувофиқ югуриш билан энди шугулланаётган югурувчиларда югуриш тезлигининг 60% га, малакали спортчиларда – 75–80% га тенг, буюк югурувчиларда 92–95% гача бориб етади.¹ Малакали югурувчилар учун юқори шартли чегара тариқасида 4,75 м/сек югуриш тезлиги қабул қилинган (октябрь, ноябрь).

3-“экстенсив” зона. Иш чидамлиликнинг ошишини таъминловчи тизимларни янада ривожлантиришга йўналтирилган. Бу зонада юрак қисқариш частотаси даражаси мину-

¹ Волков Н.И., Карасев А.В., Разумовский Е.А. Критерии специальной работоспособности и построение тренировок в беге на короткие дистанции. Монография, М., 2006, с. 32–52.

тига 170–175 зарба, ушбу зонада кислород истеъмол қилиш максимумга етади. Малакали спортчилар учун узлуксиз югуришда ва бўлаклардаги югуришда тезлик 5,8 м/сек дан юқори.

Машқларнинг асосий вазифалари – аэроб шиддатни ошириш, таянч-ҳаракат аппарати мустаҳкамлаш, гликолитик қобилятларни ривожлантириш ва сақлаб туриш. Кросслар, велосипедда юриш, сузиш тавсия қилинади.

Воситалар: суръатли югуриш, бўлакларда такрорий югуриш, 30, 60, 100, 200, 400 м масофа бўлакларида ораликли югуриш. Тезлик бўлакдаги шахсий рекордга нисбатан 80% дан юқори эмас, юрак қисқариш частотаси минутига 120–130 зарба даражасида. Турлитуман ҳаракатларда тезкорликни ошириш учун машқларни кўп маротаба такрорлаш, каттага яқин ва катта тезлик билан машқларни такрорий бажариш каби асосий воситалардан фойдаланилади. Бўгимлардаги ҳаракатчанликни ва умуртқанинг эгилувчанлигини яхшилаш учун гимнастика машқлари, одатдаги машқларни гайриоддий шароитларда бажаришдан фойдаланилади. Сакровчанлик сифатини ривожлантириш учун асосий воситалар – сакраш машқлари (декабрь-февраль).¹

4-субмаксимал зона. Машгулот фаолияти махсус иш қобилятини ривожлантиришга ва сақлаб туришга йўналтирилган, юрак қисқариш частотаси минутига 170 зарбадан ошади, ўзига хос хусусияти – аэроб жараёнларнинг оғирлашиши, яъни юракнинг минутлик ҳажми даражасининг пасайиши ҳисобланади.

Асосий воситалар: “узилишли” машқлар методлари ёрдамида бажарилади, тезланишлар билан югуриш, энг каттага яқин кучланишлар билан машқларни кўп маротаба бажариш, кучланишлар ва бўшашишлар билан бажариладиган машқларни алмашлаш. Шахсий рекордга нисбатан 90–100% тезлик билан 200–400 м масофага такрорий югуриш, энг катта тезликка яқин тезликда 50–150 м масофага такрорий югуриш. Ушбу босқич баҳорги ойларга тўғри келганлиги туфайли (март-майнинг биринчи ярми) машгулот дастурига, спринтерлик югуришдан ташқари, жуда катта ҳажмда тўлдирма тўплар билан машқларни, гиря билан сакрашларни, гантеллар, енгил штанга билан машқларни, турникда ёки гимнастика деворчасида бажариладиган гимнастика машқларини киритиш зарур. Бу ҳамма машқлар деярли ҳар бир машгулотда спринтерлик югуриш билан бирга қўшиб олиб борилиши лозим.

5-максимал зона. Иш махсус иш қобилятини ривожлантиришга ва сақлаб туришга, югуриш суръати ва маромини такомиллаштиришга, тезлик имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган. Югуриш кўпроқ анаэроб зонада ўтади. Ушбу босқичнинг якуни бўлиб ортиқча кучланишларсиз ҳаракатларни бажара олиш кўникмасини эгаллаш ва яхшилаш (бўшашишни ўзлаштириб олиш), тактика соҳасидаги билимларни ўзлаштириш, ҳаракат техникасини такомиллаштириш ҳисобланади (майнинг иккинчи ярми–июнь-сентябрнинг биринчи ярми).

Асосий воситалар: мусобақадаги тезлик билан югуриш; турли хил масофа бўлакларида максималга нисбатан 80% тезлик билан такрорий югуриш; оёқдан-оёққа кўп марта сакрашлар ва 50 м гача масофа бўлакларида бир ва бошқа оёқда галма-галдан максимал шиддат билан пойгалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, турли хил масофаларга югурувчилар учун машгулот жараёнини тузиш амалиёти турли шиддатдаги ва йўналишидаги юкламаларни бажаришда мушак фаолиятини энергия билан таъминлашнинг биоэнергетик механизмларини ҳисобга олишга асосланган.

Тадқиқот муаммосининг назарий таҳлили ва педагогик тажриба натижасида шу нарса аниқландики, спринтерларнинг умумий жисмоний ривожланишини тавсифлаш

⁵ Шакиржонова К.Т., Тухтабоев Н.Т. Основы техники, методика обучения и тренировки в беге на короткие дистанции. Т., 2012, 143 с.

учун, шунингдек, спортга саралаб олишни ўтказишда тотал кўрсаткичлар орасида тана узунлиги, тана юзаси, кўкрак қафаси айланаси энг ахборотли ҳисобланади. Морфологик нуқтаи назардан бўйи $178,50 \pm 0,80$ см ва ундан баланд бўлган, кўкрак қафаси айланаси $94,33 \pm 0,59$ см ва гавда юзаси $1,92 \pm 0,02$ м бўлган спринтерлар истиқболли ҳисобланади.

Тугма қобилиятларни ташхислаш учун генетик маркерларнинг идентификацияси ўтказилди, яъни тезкорлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган машқларни бажаришга бўлган генетик мойиллик аниқланди. Дерматоглифика кўрсаткичлари орасида бармоқларнинг излари, уйғунликлари ва умумий қирралар саногии энг ахборотли ҳисобланади. 180–190 қирралар атрофида бўлган умумий қирралар саногии қийматлари ҳаракат сифатларининг юқори даражасини башорат қилувчи ишончли мезон саналади ва спринтер спортчиларни саралаб олишда фойдаланиш учун тавсия қилинади.

Muhabbat Jumaniyozova, Shahnoza Qo'chqarova (UrDU) **BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIGA O'QISH DARSLARIDA** **EKOLOGIK TARBIYA BERISH**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada boshlang'ich sinif o'qish darslarida o'quvchilarga ekologik tarbiya berish yo'llari ko'rsatib berilgan.*

***Аннотация.** В данной статье раскрыты пути и методы экологического воспитания учащихся на уроках чтения в начальных классах.*

***Annotation.** In this article, the ways and methods of ecological education of pupils at reading lessons in primary classes are revealed.*

***Kalit so'zlar:** boshlang'ich ta'lim, sinfda o'qish darsi, ekologik tarbiya, ekologik madaniyatni shakllantirish, atrof-muhit, ifodali o'qish, barkamol shaxs.*

***Ключевые слова:** начальное образование, урок чтения, экологическое воспитание, формирование экологической культуры, окружающая среда, гармонично развитая личность.*

***Key words:** primary education, reading lessons, ecological education, formation of ecological culture, environment, harmoniously developed personality.*

Boshlang'ich ta'limdagi o'qish darslari o'z mohiyati, maqsad va vazifalariga ko'ra, o'quv predmetlari orasida alohida ajralib turadi. Zero, boshlang'ich sinif o'quvchilariga ta'lim-tarbiya berishdagi muhim vazifalarning asosiy qismi o'qish darslarida "O'qish va nutq o'stirish" dasturi hamda davlat ta'limi standarti talablariga javob beruvchi konsepsiya asosida tuzilgan "O'qish kitobi" darsliklari asosida tashkil qilinadi.

Binobarin, yosh avlodga ta'lim-tarbiya asoslarini puxta o'rgatish, ularda keng dunyoqarash hamda tafakkur ko'lamini hosil qilish, ma'naviy-axloqiy sifatlarni shakllantirish boshlang'ich sinflardagi o'qish darslarining asosiy vazifalaridan hisoblanadi.¹ O'qish darslarining tarbiyaviy vazifalardan biri – o'quvchilarda ekologik madaniyatni shakllantirish, ona tabiatga mehr-muhabbatni uyg'otish hisoblanadi.

Ekologik tarbiya deganda, asosan, yoshlarda ekologik madaniyatning shakllanishi ko'zda tutiladi. Barkamol insonning muhim fazilatlaridan biri uning ekologik madaniyatidir. Ekologik madaniyatga ega shaxs barcha tirik mavjudotlarning yashash sharoiti, muhiti, qonun-qoidalarini puxta biladi, tabiat muvozanatini saqlashga hissa qo'shadi, u atrof-muhitga nisbatan beparvo bo'lmaydi, aksincha, uni yaxshilashga, sog'lomlashtirishga harakat qiladi. Ekologik madaniyat tushunchasi ham keng qamrovli bo'lib, inson faoliyatining aksariyat qismini o'zida mujassamlashtiradi. Ekologik madaniyatda ham insonparvarlik, axloqiy-ma'naviy xislatlar o'z aksini topadi. Insonparvarlik esa, ma'lum ma'noda, insonlarning ichki his-tuyg'usining ma'lum bir qismini

¹ Uzviylashtirilgan davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi. Toshkent, 2010.

MUNDARIJA

OGAHIY OLAMI

Д.Файипов. Огаҳий чистонлари бадиияти.....	3
--------------------------------------------	---

MATEMATIKA

R.Sharipov, M.Vaisova. Kompleks tekislikdagi egri chiziq va sohalarni maple dasturi yordamida tasvirlash.....	6
R.Madrahimov, S.Bekmetova, Sh.Xudayberganov. Matritsa argumentli golomorf funksiyalar uchun lorani qatorlarining analogi.....	12

BIOLOGIYA

Y.Matyakubova, J.Doschanov. Javdar-secale I. o'simligining morfologiyasi, tarqalishi va navlari.....	15
Y.To'xtaboyeva, Sh.Tojiboyev. Tuproqdagi suvo'tlarning o'rganilganligi.....	17
Y.Matyakubova, F.O'razova, M.Kamilov. Zararkunanda chigirtkalarda parazitlik qiluvchi bir hujayrali sodda hayvonlar.....	21
X.Bekchanov, M.Bekchanova, F.Bekchanova. Xorazm vohasi (Noctuidae, Lepidoptera) Mamestra (Laconobia) avlodi tunlamlarining bioekologiyasi va faunasi.....	23

IQTISODIYOT

K.Курпаяниди, И.Толибов. "Doing business – 2017" как вектор регулирования деловой среды.....	26
Б.Турсунов. Мировой опыт проведения денежно-кредитной политики и воздействия на инфляцию.....	29
Ш.Пардабоев М.Бобожонова. Хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни.....	32

TILSHUNOSLIK

М.Умурзоқова. Ўзбек тилида сегмент қурилмаларнинг функционал хусусиятлари.....	36
А.Аллабердиев. Бухоро ўғуз шевалари лексикасида форс-тожик тилидан ўзлашган ўсимлик номлари.....	38
R.Sharopova. O'zbek tili ijtimoiy-siyosiy terminologiyasidagi leksik-semantik o'zgarishlar xususida.....	44

ADABIYOTSHUNOSLIK

М.Сулаймонов. Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳасбу ҳол ва фаҳрия.....	47
М.Тоджиходжаев. Эдвард олвортнинг машрабий наволари.....	52
Д.Тоирова. Взаимосвязь авторского повествования, романтического героя и сюжетной линии во французском историческом романе.....	56

PEDAGOGIKA

Б.Ядгаров, Д.Ядгарова. Тайёргарлик жараёнларини индивидуаллаштиришда қисқа масофаларга югурувчиларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиш.....	62
М.Jumaniyozova, Sh.Qo'chqarova. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga o'qish darslarida ekologik tarbiya berish.....	66
А.Атажонова. Она тили дарсларида замонавий таълим методларидан фойдаланиш.....	69
Ф.Марданова. Технология интеграции русского языка и литературы в интеллектуально-проектно-робочной деятельности студентов русской филологии.....	73
А.Атаджанова. Об эффективности процесса обучения студентов-медиков научному стилю речи на основе текста медицинской направленности.....	78

ILMIY AXBOROT

A.Primov, N.Ro'zmatova. Xorazm shevalaridagi murojaat birliklarining lug'aviy-ma'noviy xususiyatlari haqida.....	82
Z.Sabirova. Zebo mirzo ijodida "yurak" obrazi talqini.....	85
H.Sabirova, M.Ahmedova. Жамол Камол ижодида шекспир асарларининг талқини.....	89
Д.Худойқулова. Лексикографическая интерпретация фармацевтических терминов и их значение.....	91
Д. Жабборова. Чўлпон шеърятининг биографик талқини.....	95

ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**
Oybek Qalandarov
Ushbu songa mas’ul **San’atbek Salayev**

Terishga berildi: 20.05.2017
Bosishga ruxsat etildi: 31.05.2017.
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.
Adadi 150. Buyurtma №. 13
Hisob-nashriyot tabag‘i 8.
Shartli bosma tabag‘i 7,4.
UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.
Telefon/faks: (0362)-224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz

INDEKS 1072

ISSN 2010-6246



9 772010 624002